



Самарқандда Туристик Ҳудудларни Ривожлантириш Ва Ташкил Этиш

Тошпулатов Жасур Джаффарович
Гид экскурсовод ансамбля регистон

Аннотация: Тадқиқотда Самарқанд ҳудудида туризмни ташкил этишининг ҳозирги ҳолати ўрганиб чиқилди. Минтақанинг хусусиятлари унинг географик жойлашуви, табиий, маданий-маърифий, рекреацион ресурслари шароитида келтирилган. Туристик фаолиятни ташкил этиш учун минтақа томонидан туризмни ривожлантиришида тарихий ва маданий мероси имкониятларидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлари: туризм, туристик, оазис, ёдгорлик, локализация, бизнес, реализация.

Кириш: Самарқандда янги қурилган Боқий шаҳарчаси туристик ҳудудларини меъморий муҳитини шакллантиришда биринчи ўринда доминант омилларнинг ўзаро таъсири, уларнинг интерпенетрацияси ва меморий тўлдирилиш даражалари кўриб чиқилди. Бу омиллар муҳитнинг табиати ёки индивидуал хусусиятларини белгилайдиган омил, туристик жараёнлар сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралди.

Боқий шаҳарчаси туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти бир қатор доминант омиллар асосида ўрганилди:

- локализация омиллари. ҳудуднинг географик жойлашуви билан боғлиқ минтақавий сайёҳлик тизимидаги локализация омилларини ҳисобга олган ҳолда.
- минтақанинг туристик ресурслари. Ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ амалга оширувчи (реализация) омилларини ҳисобга олган ҳолда;
- эҳтиёжларни яратувчи омиллар. Маҳаллий аҳоли ва умуман сайёҳлик контингенти орасида дам олиш ва туризмга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ омилларни ҳисобга олган ҳолда.

Янги қурилган ҳудуднинг минтақавий сайёҳлик тизимидаги локализация омиллари. Самарқанддаги этник туризм ягона ижтимоий-маданий маконнинг ажралмас қисмига айланиши мумкин. Маълумки, маҳаллий аҳолининг туризмга қўшилиши анъаналар ва табиий ва маданий

ёдгорликларни сақлашга қизиқишни келтириб чиқаради. Боқий шаҳарча минтақаси ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қозоқлар, қирғиз маданияти билан боғлиқ бой этник ресурсларга эга. Ушбу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш турли ижтимоий-маданий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бу маҳаллий аҳолининг маълум даромад манбаи ва моддий фаровонлигига айланиши аҳамиятли. Этник туризм бутун минтақани барқарор ва уйғун ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида қаралиши керак. Боқий шаҳарчадаги қадимий архетектура ёдгорликлари жуда ҳам кўркам қад роллагани, ва у



ердаги Зарафшон каналини қайта реконструкцияқилинган ва каналдан экотуристтик ресурслари сифатида сайёҳлик салоҳиятини оширган .

Туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ва туризм инфратузилмасининг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш, республика ҳудудига кириб келаётган чет эл фуқароларининг сонини кескин ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги фармонида [1] мувофиқ ва миллий туризм маҳсулотини жаҳон бозорларида фаол тарғиб қилиш, туризм соҳасининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек Самарқанд Республикасида 2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг [1] асосий йўналишларига мувофиқ туризм инфратузилмасини ривожлантириш, таъминлаш бўйича самарали халқаро стандартлар даражасида ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу Фармонда, шунингдек, йўл бўйида инфратузилмани ривожлантириш ва автомобил йўллари бўйлаб сайёҳлик хизматларини ташкил этишни таъминлайдиган, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри билан Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Самарқанд шаҳригача бўлган сайёҳлик транспорт коридорини яратиш назарда тутилган [2].

Самарқандда маҳаллий туризмни иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги марказларида жойлашган меъморий ёдгорликларидан ташқари Боқий шаҳригача ундан кейин маршрутнинг давоми асосий туристик ресурс ҳисобланган Янги қурилган Боқий шаҳарчасидаги объектлари ва янги қурилган канал бўйлаб биргаликда транзит йўналишларни ривожлантиришни таклиф этамиз [ил. 3-3].

UNWTO тадқиқотларига кўра 2010 йилдан 2030 йилгача бўлган узоқ муддатли истиқболда, ўртача ҳар йили сайёҳлар сони 3,3 фоизга ёки 43 миллион сайёҳга кўпайиши кутилмоқда, бу 2030 йилга келиб 1,8 миллиард сайёҳни ташкил қилади. 2010 йилдан 2030 йилгача ривожланаётган мамлакатларда сайёҳларнинг ўсиши 4.4% ни ташкил этади, ривожланган мамлакатларда эса 2.2%. Туризмнинг дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50-60 фоизни ташкил этган ҳолда аҳоли учун асосий даромад манбаи ҳисобланади [2].

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудлари сайёҳлик жозибаси жиҳатидан жуда катта фарқ қилади. Боқий шаҳарчасини биринчи навбатда уларнинг эксклюзивлиги ва ўзига хослигига эътиборни жалб қилиши керак, бу эса сайёҳлик марказлари (Бухоро, Хива) билан рақобатлашишга имкон беради ва умуман Республикада туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшади [6].

Шундай қилиб, минтақада туризмни ривожлантириш бўйича ёндашув қуйидагича кўринишда шаклланди:

- ✓ Ўзбекистоннинг бошқа минтақалар орасида Самарқанддаги Зарафшон канали, ҳудудининг асосий рақобатбардош туристик афзалликларини аниқлаш;
- ✓ доминантни яратиш ёки идентификациялаш - туристик йўналишлар ва оқимларни, бизнес таркибий қисмларини (туризм корхоналари) шаклланишига имкон берадиган ташқи кўриниши ва ривожланиши билан атрофдаги маконни тузишга қодир объект;
- ✓ сайёҳларнинг максимал узоқ муддатли қолишлари учун қулай шароитлар яратиш, шу жумладан бўш вақтларини режалаштириш орқали.

Шунинг учун минтақавий туристик кластернинг муваффақиятли ривожланиши ва ишлаши учун сценар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Концепция кластернинг асосий элементларини таҳлил қилиш натижаларини, туризм ташкилотлари фаолиятининг



ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши, мослаштирилган хорижий тажрибаларни ўз ичига олиши ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига киритилиши керак [6].

Боқий шаҳарча ҳудудларининг туристик объектларнинг география жихатидан локализациялаштирувчи омиллари сайёҳлар маршрути ва марказларини шаклланишида асосий ўринни эгаллайди [ил. 3-3]. Ҳудуднинг: физик-географик хусусиятларига (рельефи, иқлими, флораси, ҳайвонот дунёси мавжудлиги); маданий, тарихий салоҳиятига; туристик инфратузилманинг ривожланишига асосланган.

Самарқанддаги янги реконструкция қилинган “Оби раво” канали бўйлаб туристик маршрутларни ташкил этишда ҳудуднинг локализациялаштирувчи омилларининг баъзи жиҳатларини таъкидлаш керак. Уларнинг бу ҳолатдаги географик жойлашишига Зарафшон дарёси ва сув ҳажмининг ўзгаришига қараб, ушбу объектлар узоқ олис ҳудудларга тарқалиб кетган, туризм учун бу асосий муаммолардан бири. Мавжуд ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, биз туристик марказ ташкил этишнинг тармоқ турини қўллашни таклиф этамиз [ил. 3-2]. Туристлик қизиқиш уйғотадиган объектларнинг тирбандлиги бўлган ҳудудларида янги кўп функционал комплексларни яратиш ва уларни туристик инфратузилманинг етишмаётган таркибий қисмлари билан тўлдириш зарур. Ушбу “туристик оазислар” сайёҳлик доирасининг марказлари бўлади ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ва пиёда сайр қилиш учун ўзига хос плацдарм вазифасини бажара олади [ил. 3-4].

Боқий шаҳарча ҳудудларининг иқтисодий ривожланиши ва Самарқанднинг марказий қисмидан узоқлиги сабабли ушбу ҳудудларда осмонўпар бинолар қурилиши имконият бўлди. Бу фактни шубҳасиз минтақани кўплаб ҳудудлари архитектуравий муҳитини том маънода нолдан яратишга имкон беради. Шу сабабли, туристик маршрутларни ташкил қилишда янги ёндашув зарур бўлиб, унда қулай туристик муҳитни ташкил этиш омили ҳисобга олинади ва шу билан бирга ҳудуд қизиқарли саёҳлар масканига айланади.

Туризмни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бу ҳудуднинг реализация этувчи омилдир. Ушбу омил талабларига тўлиқ жавоб бериш мақсадида “Туристлик маршрутларда” умумий овқатланиш корхоналари, турар жой бинолари, бўш вақтни ўтказиш, фаол дам олиш билан боғлиқ асосий туристик эҳтиёжларни қондиришдан ташқари, маданий мерос объектларининг сақланишини таъминлашга қодир “Туристлик-оазис” шаклидаги полифункционал сайёҳлар масканлари қўлланилишини таклиф этамиз [ил. 3-5].

Тадқиқот изланишларига кўра сайёҳлик индустрияси доминант омиллари етарли бўлмаган ҳудудлар: сайёҳларни жойлаштириш, овқатланиш, ишлаб чиқариш корхоналари; таълим, маданий-маърифий, бизнес, оилавий тадбирлар; спорт, соғломлаштириш, рекреацион ҳудудлар; савдо ва агротуризм хизмат турлари комбинацияси асосида жозибадорлигини, ташриф буюриш муддатини, мавсумийлигини таъминловчи “туристик оазис”нинг функционал-режавий таркиби ишлаб чиқилди.

“Туристлик-оазис” этник туризмнинг флагмани ва кўп функционал марказнинг асосий объекти бўлиб хизмат қилади. Паст сайёҳлик мавсумида “оазис” ҳаётини таъминлаш учун республика аҳолисини маданий-экологик маърифат ва маърифатига қаратилган тадбирлар ташкил этилади. Булар ҳудудий ва давлат органлари иштирокидаги ахборот, маърифий ва спорт тадбирлари (конференциялар, мусобақалар, кўرғазмалар, ярмаркалар, фестиваллар, маҳорат дарслари, тренинглар) бўлиши мумкин.

Илмий изланишлар доирасида сайёҳлик муҳитини ташкил этилишга қўйиладиган талаблар ўрганилди. Натижада ушбу изланишлар асосида Сиёб тумани ҳудудлари учун туристик марказларни шакллантиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди:



1. “Асосий ресурс тамойили”. “Имижни шакллантирувчи ресурс” сифатида қараладиган туризм индустриясига мўлжалланган жойнинг бир ёки бир нечта объектларига диққатни тортадиган фазоларни ташкил қилишда амалга оширилади. Сиёб тумани ҳудудларида туристик комплекснинг шаклланишида “Грибной (Оби-Равот) каналлари” асосий ресурс сифатида белгиланди;
2. “*Ёдгорликлардан фойдаланиш ва мослаштириш тамойили*”. Сиёб тумани ҳудудида қурилган тарихий ёдгорликларни мавжудлиги Шунинг учун бу *Ёдгорликлардан фойдаланиш* принципини янгича шарҳланишини киритдик. Самарқанд ҳудудларида жойлашган археологик объектлар ва уларнинг элементларидан туристик маршрут архитектура муҳитини яратишда фойдаланилади.

Ёдгорликни сайёҳлик мақсадларида ишлатишнинг асосий шакли уни қайта тиклаш ва намойиш этиш объекти сифатида сақлаб қолиш, шунингдек музей экспозицияларини яратишдир [5];

3. “Муҳитга шўнғиш тамойили” бошқа этнографик, тарихий муҳитини англаш ва унинг реал тарихий кўринишини ҳис қилиш сайёҳлар учун муҳим бўлган омил ҳисобланади. Шу мақсадда “этно-оул” қаби полифункционал туристик комплекслар хизмат қилади;
4. “Сценар тамойил” тематик маршрутларни ва ҳар хил функционал, ҳамда тематик йўналтирилган аниқ объектлар орасидаги боғланишни олдиндан белгилаб берадиган марказлашган йўналиш схемаси ишлаб чиқилди;
5. “Ассоциатив (бир-бирини эслатадиган) алоқалар тамойили” экскурсия объектининг таъсирини кучайтиради, унинг шаҳар турар жойи таркибида туристик марказнинг ўзига хослигини ташкил этувчи кўринишини таъминлайди. Туристик маршрут объектларини яратишда этнографик маданий мерос мотивлари қўлланилади. Бундай муҳитларни шакллантириш бўйича илмий изланишларда ишлаб чиқилган турли хил иерархик даражадаги туристик тамойиллар ихтисослаштирилган (маълум бир даражадаги иерархия учун характерли) ва универсал бўлинган.

Ҳозирги вақтда “Боқий шаҳарчининг” туристик ҳудудига келмаган сайёҳлик гуруҳлари ушбу жойда умумий овқатланиш корхоналари хизматидан кўпинча фойдаланмайдилар, улар ташриф буюрган диққатга сазовор жойлар ёнида эсдалик совғаларини сотиб олиш имконияти мавжудлиги кам. Натижада, туризм саноатининг асосий даромад келтирувчи элементлари ишлатилмай қолмоқда: турар жой бинолари, овқатланиш ва ёдгорлик маҳсулотлари ва бошқа туристик хизматлар ва товарларнинг чакана савдоси мавжуд эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Изланишларига кўра Сиёб туманининг туристик ҳудудларини архитектура муҳитини ривожлантириш бўйича бир-нечта лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди. Туристик марказни шакллантиришнинг барча ўрганилган омиллари ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, Сиёб туманини тўлақонли туристик диққатга сазовор жойга айланттириш ва шу билан бирга “Ўзбекистон туристик магистрали” нинг [5] кулминацион нуқтасига айланттириш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Самарқанд шаҳрининг асосий муаммоларидан бири унинг деярли тупик ҳолатда жойлашганлиги, деб ҳисоблаш мумкин. Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун шаҳарни транзит пунктга, ҳатто Ўзбекистоннинг янги шимолий-ғарбий “эшиги” га айланттириш керак. Янги транспорт йўналишларини яратиш учун ягона йўналиш кўшни, Тожикистон Республикасига олиб борадиган йўллардир. Бу ерда йўл инфратузилмасини ривожлантиришнинг учта вариантини келтирилган [ил. 3-3]: 1.

Панжикент чегариси бўйлаб орқали Хўжанд шаҳрига (Тожикистон); 2. Кантубек орқали (Возрождение ороли) Шалкар шаҳрига; 3. Қозоғистондаги транспорт алмашувининг энг яқин нуқтаси - Айтеке Би қишлоғига (Қозоғистон). Ўзбекистонда сайёҳлар бозорини



таъминлаш бўйича Қозоғистон (24,1%) етакчилик қилиб келмоқда [127] [ил. 2-7]. Ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, янги транспорт йўналишига талаб катта бўлишига ишонч билан қарашимиз мумкин. Бу нафақат асосий шарқий йўналиш юқини камайтириш билан бирга Самарқанд вилоятига ташриф буюришни кўпайтиради. Биринчи вариант Регистон, Гўри-Мир мақбараси, Шохи-зинда, Бибихонимга ва Боқий шаҳарчасига борадиган мавжуд сайёҳлик инфратузилмасига эга бўлган маршрут орқали ўтади. Иккинчи вариант - шубҳасиз, яқин келажакда янги кичик аҳоли пунктларини ташкил этиш зарурати пайдо бўлиши мумкин бўлган ривожланаётган янги яйлов майдонлари орқали. Учинчи вариант – Тожикистон ва Қозоғистоннинг асосий қисми учун энг қисқа ва марказий. Самарқанднинг транзит марказига айланиши шаҳарни минтақанинг кўплаб сайёҳлик жойларига энг яқин қилиш орқали локализациялаштириш омилини яхшилайдди. Шу билан бирга, амалга оширувчи омил - туризм ресурсларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай ресурслар экскурсия ва инфратузилма муҳитидир. Президентнинг "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонида [8] "Туристик маҳалла", "Туристик қишлоқ" ёки "Туристик овул" мақомига эга бўлган фуқаролар йиғини сонини кўпайтиришга, шу жумладан ички магистрал йўллари таъмирлаш, электр, газ, сув таъминоти, канализация ишларининг барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа ва интернетни яхшилаш учун қўшимча таянч станцияларни ўрнатишга [7] алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ЎРҚ-549 сонли Қонуни 18.07.2019. <https://lex.uz/docs/4428097>
2. Шкляев Н.А. Рациональное использование ландшафта при проектировании зон массового отдыха и туризма (обзор) / - М., 1972. 20 с.
3. Николаенко Д.В. Рекреационная география: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений // - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. - 288 с.
4. Зорин И.В. [и др.] Менеджмент туризма: Туризм и отраслевые системы: учебник // - М.: Финансы и статистика, 2002. - 272 с.:
5. Алымов А.К. Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // «XXI аср - интел-лектуал авлод асри» илмий-амалий анжуман материаллари.- Т.: 2015. -Б. 11-15.
6. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география // - М.: Изд-во МГУ, 1981. - 208 с.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги 1999 й. 20 августдаги N 830-І сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/75375>
8. Биржаков М.Б. Введение в туризм // СПб.: Изд. Дом Герда, 2001. - 320 с.
9. Усманова З. Худудий объектларнинг туристик-рекреацион салоҳиятини баҳолашнинг назарий масалалари. Иқтисодий ва инновацион технологиялар // илмий электрон журнали №2, март-апрель, 2017 й.
10. Григорьев В.И., Симонов В.С. Стратегия формирования индустрии рекреации. // -СПб.: Инд по СПбГУЭФ, 2006.